

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВА НАРГИЗА АБДУМАЖИДОВНА

ТОГ ДАСТАРБОШИ ГУЛЛАРИ АСОСИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА
БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
СТАНДАРТЛАШ

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

15.00.01 – дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2022

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Абдурахмонова Наргиза Абдумажидовна

Тоғ дастарбоши гуллари асосида дори воситалари ва биологик фаол
кўшимчаларни ишлаб чиқиш ва стандартлаш..... 3

Абдурахмонова Наргиза Абдумажидовна

Разработка и стандартизация лекарственных средств и биологически
активных добавок на основе цветков пижмы ложнотысячелистниковой 29

Abdurakhmonova Nargiza Abdumajidovna

Development and standardization of drugs and biologically active additives
on the basis of tanacetum pseudachilleae flowers..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВА НАРГИЗА АБДУМАЖИДОВНА

ТОГ ДАСТАРБОШИ ГУЛЛАРИ АСОСИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА
БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
СТАНДАРТЛАШ

15.00.02- фармацевтик кимё ва фармакогнозия

15.00.01 – дори технологияси

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент -2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Fag.25 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Ибрагимов Абдулла Якубович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Кариева Ёкут Саидкаримовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Комилов Хожиясрор Масъудович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Халилов Равшанжон Муратджанович
техника фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Абдуллабекова Вилоятхон Нуриллабековна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

А.С.Султонов номидаги Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019 Fag.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» август соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш. Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2022 йил «10» август кuni тарқатилди (2022 йил «10» август даги 38 рақамли реестр баённомаси).



Ж.С.Ризаев

Илмий кенгаш раҳбари илмий кенгаш
учасаси

Х.Р.Тухтаев

Илмий кенгаш раҳбари илмий кенгаш
учасаси, фарм. ф. д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
фарм. ф. д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра Африка, Осиё ва Лотин Америкаси аҳолисининг 90% дан ортиғи касалланиш даражаси бўйича дунёда учинчи ўринда турадиган гельминтозлардан азият чекади ва дунёда ҳар йили турли касалликлар вафот этадиган 50 миллион кишидан 16 миллиондан ортиғининг сабаби юқумли ва паразитар касалликлардир. Шунингдек, ушбу ташкилот ҳисоботларида дунё аҳолисининг умумий ўлим даражаси бўйича ошқозон-ичак тракти касалликлари етакчи бешинчи ўринни эгаллаб тургани қайд этилган. Шунинг учун доривор ўсимлик хом ашёларидан олинган ажратмалар асосида самарали, кам заҳарли комплекс доривор препаратлар ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш, уларни стандартлаш, сифат меъёрларини белгилаш, ҳамда клиник олди ва клиник тадқиқотлар орқали терапевтик фаоллигини исботлаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида оригинал дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш, уларнинг биологик фаол моддаларининг таркиби, сифат кўрсаткичлари, фармакологик самарадорлиги ва барқарорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, сафро ҳайдовчи ва антигельминт фаолликка эга йиғмаларни ишлаб чиқиш, уларнинг товаршунослик таҳлилини ўтказиш, биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳларини ўрганиш, улар асосида олинган турли дори шакллари стандартлаш ва амалий тиббиётга жорий этиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, маҳаллий доривор ўсимликларни ўрганиш, уларни расмий тиббиётга жорий этиш, стандартлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, импорт ўрнини босиш масалаларини ҳал қилиш бўйича кенг кўламли тадқиқотларни олиб боришда муайян илмий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг улушини 80 фоизга етказиш...»¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада, замонавий сифат меъёрлари талабаларига жавоб берадиган ҳамда доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва БФҚларнинг ассортиментини кенгайтириш, уларни халқаро меъёрий ҳужжатлар талабаларига мувофиқлаштириш, шунингдек, маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқаришига жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ–4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги фармони

уругчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон «Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармогини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 20 майдаги ПФ-139-сон «Доривор ўсимликлар хом ашё базасидан самарали фойдаланиш, қайта ишлашни кўллаб-қувватлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг шархи². Кўп компонентли ўсимлик композициялари ёки йигмаларидан дори шакллари олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, уларни стандартлаштириш, барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Wisconsin-State University, Ohio State University (АҚШ); University of Alberta (Канада); Pharmaceutical and Food safety Bureau, Kyoto Prefectural University of Medicine (Япония); Sagar Institute of Pharmaceutical Sciences (Ҳиндистон); Kampala International University (Уганда); Россия Халқлар дўстлиги университети, Санкт-Петербург давлат кимё фармацевтика университети, Пятигорск давлат фармацевтика академияси (Россия Федерацияси); Миллий фармацевтика университетида (Украина) олиб борилмоқда.

Доривор ўсимликларни фармакогностик ва фитокимёвий ўрганиш, улардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш, сифатини меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш борасида жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: оддий бўймодарон гулларида флавоноидлар аниқланган (Institute of Organic Chemistry with Centre of Phytochemistry, Болгария), ГХ ва ГХ-масс спектроскопия усулларида оддий бўймодарон культурасининг суспензиясидаги эфир мойининг компонент таркиби аниқланган (Departamento de Biologia Vegetal, Faculdade de Ciências de Lisboa, Португалия), сафро хайдовчи йигмадаги рутиннинг микдорий таҳлили учун капилляр электрофорез усули ишлаб чиқилган (Пятигорск

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи www.medline.ru, www.elibrary.ru, www.medlit.ru, www.rmj.ru, mntk.ru, www.retinajournal.com, www.djo.harvard.edu, webofscience.com, www.pubmed.com, www.elsevier.com, www.pediatrics.org, www.oxfordjournals.org ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган

давлат фармацевтика академияси, Россия Федерацияси); сафро ҳайдовчи йигма ҳамда унинг тақрибига қирувчи ҳам ашёнинг турларидан олинган ацетонитрил ажратмаларнинг учувчан фракциясининг компонент таркиби аниқланган (И.М.Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси, Россия Федерацияси); расмий сафро ҳайдовчи йигма учун хлораген кислотаси бўйича гидроксидолчин кислоталар микдорини аниқлашнинг спектрофотометрик усули тақлиф этилган (Сибир давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси); сафро ҳайдовчи йигмаларда флавоноид бирикмалари мавжудлиги исботланган («Доривор ва ароматик ўсимликлар давлат илмий-тадқиқот институти» илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси (ВИЛАР, Россия Федерацияси); оддий дастарбош гулларининг флавоноид таркиби аниқланган (Самара давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси).

Дунёда доривор ўсимликларни ўрганиш ва улар асосида дори воситалари ҳамда биологик фаол қўшимчалар олиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сафро ҳайдовчи ва антигельминт таъсирга эга композицияларни танлаш, улар асосида субстанциялар олиш; фитопрепаратлар таркибидаги биологик фаол моддаларни аниқлаш учун замонавий инструментал таҳлил усулларини қўллаш; халқаро меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ таҳлил усулларини уйғунлаштириш; фармакопея сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш, стандартлаш, дори шакллари яратиш, шунингдек, уларнинг барқарорлигини ошириш йўллари аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан дастарбошнинг турлари асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш ва стандартлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Дунё миқёсида дастарбошнинг ҳар хил турларидан биологик фаол моддаларни ажратиш олиш йўли билан сафро ҳайдовчи ва антигельминт дори препаратлар ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш, сифатини назорат қилиш ва стандартлаш бўйича Zohreh Habibi, Maryam Yousefi, Fatemeh Shahriari, Jabbar Khalafi, Mohammad Ali Ashabi., Ali Kandemir, Hakan Ozer, Hamdullah Kilic, Ahmet Cakir, Yavuz Demir, Brunella Carratù, Elena Federici, Francesca R. Gallo, Andrea Geraci, Marco Guidotti, Giuseppina Multari, Giovanna Palazzino Elisabetta Sanzini, Chinaza Godswill Awuchi, Nina Devrnja, Dijana Krstić-Milošević, Dušica Janošević, Vele Tešević, Branka Vinterhalter, Jelena Savić, Dušica Čalić, A.B.Куркина, P.B.Якусевич, A.И.Хусаинова, E.M.Теплякова, Шахид Бехешти, П.П.Хворост, B.T.Чернобай, Д.Г.Колесников, И.С.Губанова, Г.Г.Первышина, A.A.Ефремов, O.Ю.Веретнова ва б. томонидан олиб борилган тадқиқотлар маълум.

A.И.Юнусов, H.Д.Абдуллаев, Ш.З.Қосимов, Г..П.Сидякин, Л.Т.Андоскина каби юртимиз олимлари томонидан дастарбошнинг турларини фитокимёвий ва фармакогностик жиҳатдан ўрганиш, улар асосида

дори воситаларини яратиш, сифат меъёрларини белгилаш борасидаги тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Мазкур диссертация тадқиқоти тоғ дастарбоши гуллари асосида дори воситалар ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режа доирасида ҳамда АДСС 15.28.4 «Ўзбекистоннинг маҳаллий доривор ўсимликлари асосида янги сафро ҳайдовчи препаратни ишлаб чиқиш» номли амалий лойиҳа ва ИСС 11-10 «Маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида ишлаб чиқилган «Гелрем» капсулаланган антигельминт препаратини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш» номли инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тоғ дастарбоши гуллари асосида сафро ҳайдовчи ва антигельминт таъсирга эга дори препаратлар ҳамда биологик фаол қўшимчалар таркибини илмий асосланган ҳолда танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маркетинг тадқиқотлари ва адабиётлар таҳлили натижалари асосида табиий ўсимлик хом ашёлари асосида сафро ҳайдовчи ва антигельминт дори воситалар ва БФҚ ассортиментини кенгайтиришнинг долзарблигини илмий асослаш;

фармакологик скрининг асосида сафро ҳайдовчи йигманинг илмий асосланган таркибини танлаш, олиш технологиясини, сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллариини ишлаб чиқиш, шунингдек унинг асосий биологик фаол моддаларини ўрганиш;

тажрибани математик режалаштириш усулидан фойдаланиб, «Гепафлос» курук экстрактини олиш учун экстракциянинг оптимал шароитларини аниқлаш, технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини баҳолаш, яроқлилик муддатини белгилаш;

сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси ва унинг асосида олинган «Гепафлос» курук экстрактининг аминокислота ва элемент таркибини киёсий ўрганиш ҳамда радионуклидларни аниқлаш;

сафро ҳайдовчи таъсирга эга «Гепафлос» капсулаларининг технологиясини ишлаб чиқиш, сифатини назорат қилиш ва уни стандартлашни амалга ошириш, «Эриш» тестини ўтказиш шароитларини аниқлаш ва яроқлилик муддатини белгилаш;

антигельминт таъсирга эга «Гелрем» капсулаларининг таркибига кирган курук экстрактларни олиш мақсадида тоғ дастарбоши гуллари ва аччик эрмон ўтидан экстракт олишнинг оптимал шароитларини танлаш;

«Гелрем» капсулаларининг таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш, стандартлаш усулларини такомиллаштириш, чинлиги ва сифатининг ишончли мезонларини аниклаш, яроклилик муддатини белгилаш;

капсула шаклида «Фитогеп-5» биологик фаол кўшимча технологиясини ишлаб чиқиш;

дори воситаларига доир меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» Давлат унитар корхонаси (ДУК)да рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, биологик фаол кўшимча учун тегишли хужжатларни тасдиклаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тоғ дастарбоши гуллари, доривор мойчечак гуллари, оддий бўймодарон ўти, аччиқ эрмон ўти, калампир ялпиз барглари, самарканд бўзночи гуллари, тешик далачой ўти, сафро хайдовчи «Трифлос» йигмаси, унинг асосида олинган «Гепафлос» курук экстракти ва капсулаланган дори шакли, «Гелрем®» капсулалари ва «Фитогеп-5» биологик фаол кўшимчаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети тоғ дастарбоши асосида сафро хайдовчи ва антигельминт дори воситалари ва биологик фаол кўшимча технологиясини ишлаб чиқиш, стандартлаш, яроклилик муддатларини белгилаш, тиббиёт амалиётига жорий қилиш мақсадида тегишли меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида замонавий технологик, кимёвий, физик-кимёвий, инструментал, биофармацевтик, фармакологик таҳлил усуллари, шунингдек, тажрибаларни математик режалаштириш усуллари қўлланилган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлилида Студентнинг t-мезони қўлланиладиган компьютер дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

сафро хайдовчи янги «Трифлос» йигмасидаги биологик фаол моддаларнинг асосий гуруҳларининг таркиби, сифат ва микдор кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор тажрибани математик режалаштириш усулидан фойдаланиб, «Гепафлос» курук экстрактини олиш технологияси ишлаб чиқилган, экстракция жараёнининг оптимал шароитлари аниқланган;

сафро хайдовчи «Трифлос» йигмаси ва унинг асосидаги «Гепафлос» курук экстрактини стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган, уларнинг чинлиги ва сифатининг мезонлари белгиланган;

сафро хайдовчи субстанция асосида «Гепафлос» капсулаларининг илмий асосланган таркиби танланган ва мўътадил технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор тоғ дастарбоши гуллари ва аччиқ эрмон ўтини экстракция қилишнинг оптимал шароитлари ҳамда уларнинг сифат меъёрлари аниқланган;

антигельминт таъсирга эга «Гелрем®» капсулаларининг мўътадил технологияси ишлаб чиқилган;

«Гепифлокс» ва «Гелрем®» капсулаларининг сифат кўрсаткичларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги исботланган;

илк бор маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида капсула шаклида овқат ҳазм қилиш жараёнларини меъёрлаштиришга ёрдам берадиган, жигарнинг функционал ҳолатини яхшилайдиган ва сафро секретациясини стимулловчи "Фитогеп-5" биологик фаол қўшимчаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйдагилардан иборат:

сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси ва унинг асосида олинган «Гепифлокс» курук экстрактининг аминокислотали ва элемент таркиби аниқланган;

сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси, «Гепифлокс» курук экстракти ва капсулалари ҳамда «Гелрем®» капсулаларининг сақлаш шароитлари ва яроқлилиқ мuddатлари аниқланган;

сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси, «Гепифлокс» курук экстракти ва капсулаларини сафро ҳайдовчи таъсири ва безарарлиги ҳамда «Гелрем®» капсулаларининг антигельминт таъсири ва хавфсизлиги аниқланган;

сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси, «Гепифлокс» курук экстракти, «Дастарбош курук экстракти», «Эрмон курук экстракти», «Гелрем®» капсулалари ва «Фитогеп-5» биологик фаол қўшимча учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган;

«Гелрем®» капсулаларини ишлаб чиқариш учун корхона регламенти ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижалар математик-статистик таҳлилнинг замонавий усуллари, технологик, физик-кимёвий, фармакогностик, биофармацевтик, клиник олди ва клиник тадқиқотлар қўлланилганлиги билан тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари тажриба саноат ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтган.

Тадқиқотнинг натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмасининг таркиби илмий асосланганлиги, «Гепифлокс» курук экстрактини оптимал технологияси ишлаб чиқилганлиги, унинг сифати ва хавфсизлигини баҳоловчи янги усулларнинг жорий этилганлиги, унинг асосида капсула шаклидаги «Гепифлокс» дори воситасини яратилганлиги, «Фитогеп-5» БФҚ технологияси ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларнинг сифатини назорат қилиш учун ЮССХ, ЮССХ-МС, ГСХ ва СФ усулларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси, «Дастарбош курук экстракти», «Эрмон курук экстракти», «Гелрем®» капсулалари, «Гепифлокс» курук экстракти ва «Фитогеп-5» биологик фаол қўшимчасига «Тошкент вилояти Дори-Дармон» АЖ, «Nova Pharm» МЧЖ ҚҚ, «Remedy Group» МЧЖ ҚҚ ҳамда «Abduxoliq Pharm»

МЧЖлар билан ҳамкорликда меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги билан изоҳланади. Ушбу дори воситалари ва БФҚ ишлаб чиқарилиши импорт ўрнини босишда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, сафро ҳайдовчи ва антигельминт препаратлар ҳамда озукага БФҚнинг ассортименти кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тог дастарбоши гуллари асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш ва стандартлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Трифлос» сафро ҳайдовчи йигмасы учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42-Уз-02018576-4751-2021) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, № DV/М 03972/11/21). Натижада, сафро ҳайдовчи дори воситалари ассортименти кенгайтириш имконини берган;

«Дастарбош куруқ экстракти» учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-22175941-1708-2021). Натижада, сафро ҳайдовчи ва антигельминт таъсирга эга дори воситалари учун субстанция ишлаб чиқариш имконини берган;

«Эрмон куруқ экстракти» учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-22175941-1707-2021). Натижада, антигельминт таъсирга эга дори воситалари учун субстанция ишлаб чиқариш имконини берган;

«Гелрем[®]» капсулалари учун корхона фармакопея мақоласи «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (КФМ 42 Уз-22175941-1709-2021) ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган (гувоҳнома, № DV/М 00684/03/16). Натижада, антигельминт дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган;

«Фитогеп-5» биологик фаол қўшимчаси учун Техник шартлар (Ts 28275514-004:2020) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 28275514-004:2020) тасдиқланган. Натижада, «Abduxoliq Pharm» МЧЖ сафро ҳайдовчи таъсирга эга «Фитогеп-5» озукага биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқариш имконини берган;

«Гелрем[®]» капсулалари учун корхона регламенти «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» ДУК томонидан тасдиқланган (СР-42-Уз-03873/22175941-1407-2012). Натижада, «Гелрем[®]» антигельминт дори воситасини саноат миқёсида ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хулосалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш учун биологик фаол моддалар манбаи сифатида доривор ўсимликларни қўллаш истиқболлари»** мавзуси бўлиб, доривор ўсимликларни жигар ва сафро йўллари касалликларини олдини олиш ва даволашда қўллаш истиқболларига, тоғ дастарбоши ўсимлигини қўллашнинг ҳозирги кундаги ҳолатига, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ўсимликлар асосидаги сафро ҳайдовчи препаратлар ассортиментини ўрганишга, дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш жараёнида уларга субстанция сифатида ўсимликлардан олинган курук экстрактларнинг аҳамиятини акс эттирган маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлилига ҳамда ўсимликлар асосида олинган капсула шаклидаги дори воситаларини яратишнинг замонавий жиҳатлари таҳлилига бағишланган. Мазкур диссертация ишида юқорида қайд этилган муаммоларнинг долзарблиги кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Тадқиқотнинг умумий концепциясини асослаш. Тадқиқотларда қўлланилган материаллар ва усуллар»**да тадқиқотларда ишлатилган доривор ўсимлик хомашёлари, дори субстанциялари, препаратлар, ёрдамчи моддалар, кимёвий ва фармацевтика таҳлиллари учун асбоб-ускуналар рўйхати акс эттирилган.


Учинчи боб **«Сафро ҳайдовчи «Трифлос» доривор йиғмасининг таркибини танлаш, технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш»** да сафро ҳайдовчи «Трифлос» доривор йиғмасини яратиш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари келтирилган. Фармакологик скрининг натижалари бўйича қуйидаги таркибли: тоғ дастарбоши гуллари 15 қ, мойчечак гуллари 10 қ, оддий бўймодарон ўти 10 қ таркибли сафро ҳайдовчи йиғманинг оптимал таркиби танланган. Мазкур таркиб асосида 50-100 г

«ангро» ва 1,5 ва 2 г қадоклардаги сафро ҳайдовчи «Трифлос» доривор йиғмасини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Сафро ҳайдовчи «Трифлос» доривор йиғмасининг асосий биологик фаол моддалари ўрганилган, фенолкарбон кислоталари (ФКК) ва флавоноид бирикмалари (ФЛБ) ЮССХ ва ЮССХ-МС усуллари билан аниқланган.

ЮССХ усули билан фенол компонентларини таҳлил қилиш. Изланишлар дастурланган УБ детекторли Agilent 1200 хроматографи ёрдамида олиб борилган. Натижалар 1-расмда келтирилган.

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, йиғма таркибига кирган ўсимликларнинг ЮССХ профиллари бир-биридан фаркланади. Мазкур хроматограммаларни тайёрланган йиғманинг хроматография профили билан қиёсий ўрганиш йиғма таркибига кирган ҳар бир ўсимликнинг йиғманинг ФКК ва ФЛБ профилидаги микдорини аниқлашга, ва шу билан экстракцион биологик фаол моддалар таркибини фаоллаштиришга асос бўлади.




1-расм. Сафро ҳайдовчи «Трифлос» йиғмаси (Сбор) ва йиғма таркибига кирувчи ўсимликларнинг (Р-мойчечак, П-дастарбош, Т-бўймодарон) ЮССХ профиль бўйича экстрактив моддалар таркибини солиштириш натижалари

Фенол компонентларининг ЮССХ-МС таҳлили. ЮССХ-МС таҳлилни Agilent квадрапол масс-спектрометрик детектори билан бирлаштирилган 6400Agilent 1260 Infinity хроматограф ёрдамида олиб борилган.

Изланиш натижалари 2-расмда келтирилган.

2-расмда такдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики ҳар бир ўсимликнинг сув-спиртли экстрактлари 40 дан ортиқ чўккиларни намоён қилган. 1 ва 2 жадвалларда ўсимликлар экстрактив моддаларининг ФКК ва ФЛБ идентификацияси ва микдорий баҳолаш натижалари келтирилган.

Шундай қилиб, ФЛБ таркибни қиёсий ўрганиш (2-жадв.) ўрганилаётган ўсимликларнинг адабиётларда келтирилган флавоноидлар таркиби ҳақидаги маълумотларини тасдиқлаши аниқланди.



2-расм. Сафро хайдовчи «Трифлос» йигмасы таркибига кирган ўсимликлар экстрактларининг ЮССХ-МС хроматограммалари

**Сафро хайдовчи «Трифлос» йиғмаси ва ўсимликлар экстрактлари
таркибидаги фенолкарбон кислоталари (ФКК) миқдори**

№	Хром. комп. чўққиси т.р.	Компонент	RT, дак.	(-)/(+) ESI, m/z	Миқдор*, мг			
					Р	Т	П	С
1.	1	Галл кислотаси глюкозиди	1,50	377/---	31,8	28,0	10,2	18,5
2.	2	Хин кислотаси	1,70	191/---	-	53,1	42,4	29,2
3.	3	Ферулоил-кумарил- хина кислотаси	2,13	499/501	12,2	31,0	13,8	16,3
4.	4	Кофеоил-хин кислотаси	2,21	353/---	13,0	-	8,9	6,5
5.	5	Қахфа кислотаси глюкозиди	4,25	341/343	78,9	-	15,7	24,4
6.	7	Ферула кислотаси глюкозиди	8,02	355/357	33,9	7,2	2,7	11,0
7.	8	Хлороген кислотаси	8,95	353/355	19,4	102,5	8,0	32,5
8.	9	Қахва кислотаси	9,42	179/---	18,1	29,1	11,2	15,4
9.	13	Дикофеоил-хин кислотаси (изомерлар)	10,8 - 12,6	515/517	50,8 (3)	74,2 (3)	70,7 (5)	56,0
10.	27	Кофеоил-ферулоил-хин кислотаси	14,27	529/531	36,1	13,1	-	14,4
11.	32	Розмарин кислотаси	15,42	359/---	18,6	14,0	12,5	19,1

*«Р» -мойчечак, «Т»- бўймодарон, «П» -дастарбош ва «С» -йиғма.

**Сафро хайдовчи «Трифлос» йиғмаси ва ўсимликлар экстрактлари
таркибидаги флавоноидлар (ФЛБ) миқдори**

№	Хром. комп. чўққиси т.р.	Компонент	RT, мин	(-)/(+) ESI, m/z	Миқдор*, мг			
					Р	Т	П	С
1.	10	Лютеолин рутинозиди	9,69	593/595	43,2	71,2	80,2	38,7
2.	11	Рутин	9,98	609/---	61,2	94,8	42,4	55,1
3.	15	Кемпферол-7-О- глюкозиди	11,17	447/449	-	64,4	23,5	21,8
4.	19	Апигенин-7-О- глюкозиди	11,90	431/---	132,3	78,0	-	55,9
5.	21	Кверцетин-гексозил- малонил-гексозиди	12,24	549/551	145,32	118,7	131,3	143
6.	22	Апигенин-7-О- малонил-глюкозид	12,37	517/---	128,3	-	-	39,9
7.	23	Апигенин-7-О-ацетил- глюкозиди	12,87	473/---	114,7	-	-	32,6
8.	24	Кемпферол	13,59	285/287	-	117,7	-	33,4
9.	27	Апигенин	14,54	269/271	108,3	105,1	-	60,8
10.	29	Метил-карнозат	14,90	345/---	46,85	-	47,4	24,3
11.	34	Дигидрокемпферол	16,54	287/288	3,7	43,4	-	13,7
12.	35	Цирзимаритрин	17,28	445/---	61,4	-	18,8	22,8
13.	37	Ахиллицин	18,25	305/---	-	9,8	-	2,3

*«Р» -мойчечак, «Т»- бўймодарон, «П» -тоғ дастарбоши ва «С» -йиғма.

Йиғма таркибига кирган ўсимликларнинг барчаси ўз таркибида флавоноидлар йиғиндиси билан биргаликда кверцетин ва унинг хосилаларини сақлашни инobatга олган ҳолда «Трифлос» йиғмасининг таркибидаги таъсир этувчи моддаларнинг миқдорини аниқлаш учун флавоноидлар йиғиндиси миқдорини кверцетин бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан спектрофотометрик усулидан фойдаланилган. Бунда йиғма таркибидаги флавоноидлар йиғиндиси миқдори 0,261-0,279% ташкил қилган.

Хомашени тайёрлаш, табиий-иқлим шароитлари ва хомашёни тайёрлаш жойларига қараб хомашёдаги флавоноидлар миқдорини ўзгарувчанлигини инobatга олган ҳолда флавоноидларни сақлаш нормаларини 0,2% кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак деб ўрнатилди. Яроклилик муддати 2 йил деб белгиланди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Сафро хайдовчи «Трифлос» йиғмасидан «Гепافلос» курук экстрактини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш**» тажрибани математик режалаштириш усулини қўллаш ёрдамида курук экстрактнинг оптимал олиш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Ушбу мақсад учун 5x5 юнон-лотин квадрати асосидаги тўрт факторли тажрибани режалаштириш усули қўлланилган. Мазкур изланишларда флавоноидлар йиғиндисининг экстрагентга ажралиб чиқиш самарадорлигига боғлиқ бир неча факторларнинг таъсири ўрганилган: хомашёнинг майдаланганлик даражаси (А фактор), этил спиртининг концентрацияси (В фактор), гидромодул (хомашё : экстрагент нисбати) (С фактор) ва ҳарорат режими (D фактор). Изланишлар натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Тажрибада қўлланилган факторлар ва уларнинг даражалари

Фактор ва унинг даражаси	Фактор қиймати	Фактор ва унинг даражаси	Фактор қиймати
<i>Хомашёнинг майдаланганлик даражаси (А фактор)</i>		<i>Этил спирти концентрацияси (В фактор)</i>	
a ₁	2-4 мм	b ₁	50%
a ₂	5-7 мм	b ₂	60%
a ₃	8-10 мм	b ₃	70%
a ₄	11-13 мм	b ₄	80%
a ₅	14-16 мм	b ₅	90%
<i>Гидромодуль (С фактор)</i>		<i>Ҳарорат фактори (D фактор)</i>	
c ₁	1:5	d ₁	40 ⁰ С
c ₂	1:10	d ₂	50 ⁰ С
c ₃	1:15	d ₃	60 ⁰ С
c ₄	1:20	d ₄	70 ⁰ С
c ₅	1:25	d ₅	80 ⁰ С

Дункан кўп даражали мезонини қўллаш орқали олинган экстрактлар таркибидаги флавоноидлар йиғиндиси миқдори ҳақидаги маълумотларининг ўртача қийматларидаги фарқлар ўрганилди. Ўсимлик хомашёси майдаланганлик даражасининг экстракция жараёнига таъсири ўрганилганда, уларни қуйидаги кетма-кетликда жойлаштириш мумкинлиги аниқланди: a₁ =

$a_2 = a_3 > a_4 > a_5$, яъни хомашёнинг оптимал майдаланганлик даражаси 2-4 мм, 5-7 мм ва 8-10 мм эканлиги аниқланди. Лекин, маълумки ўсимлик хомашёсининг хаддан ташқари майдаланганлиги фақат биологик фаол моддаларни эмас балки балласт моддаларни ҳам ажралиб чиқишига, натижада олинган ажратма ифлосланишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун навбатдаги изланишларимиз учун майдаланганлик даражаси 5-7 мм бўлган хомашёдан фойдаланишга қарор қилдик.

Навбатдаги ўрганилаётган фактор–экстрагент сифатида қўлланилган этил спиртининг концентрациясини куйидаги кетма-кетликда жойлаштириш мумкинлиги аниқланди: $b_2 = b_3 > b_4 > b_5 > b_1$. Яъни, экстрагентнинг оптимал концентрацияси 60% ва 70% эканлиги аниқланди. Лекин иқтисод нуқтаи назаридан 60% этил спирти мантиқан оптимал деб танланди.

Гидромодулнинг нисбати 1:10, 1:15 ва 1:20 бўлганда тахминан бир хил натижалар олинганлиги сабабли қўлланиладиган экстрагент микдорини тежаш мақсадида 1:10 нисбатдаги гидромодулни қўллаш тавсия этилди. Ҳарорат фактори ўрганилганда 50⁰С ҳарорат ўзининг оптимал натижаларини кўрсатди.


Экстракция жараёнини янада тўлиқроқ олиб бориш мақсадида экстракция жараёнига 10 дақиқа давомида ультратовуш таъсир эттирилди. Бунда ажралиб чиққан флавоноидлар йигиндиси микдорининг 2,34% дан 2,6% гача (1,11 марта) ортиши кузатилди.

Таҷрибани математик режалаштириш усули натижаларига кўра таклиф этилган «Трифлос» сафро ҳайдовчи йигмасидан қуруқ экстрактни олиш технологияси «BALZAM» МЧЖ да саноат шароитида апробациядан ўтказилди.

Технологик жараён схемаси 3-расмда келтирилган.

Олиб борилган изланишлар натижасида ўзига хос ҳидли ва аччиқ мазали оч жигар рангли қуруқ экстракт олинди. Қуруқ экстрактни олиш самарадорлиги $21 \pm 1,53\%$ ни ташкил қилди.

Навбатдаги изланишларда сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси ва «Гепафлос» қуруқ экстрактининг аминокислота таркиби киёсий ўрганилди. Олиб борилган изланишлар натижаси сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси ҳам, «Гепафлос» қуруқ экстракти ҳам ўзининг таркибида 20 дан кам бўлмаган аминокислоталар сақлашини ва уларнинг 8 таси алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар эканлигини кўрсатди. Шунингдек, сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси ва «Гепафлос» қуруқ экстракти аминокислота таркибида глицин аминокислотаси борлиги аниқланди. Унинг микдори йигма таркибида 0,478139 мг/г ни, қуруқ экстракт таркибида 0,757236 мг/г ни ташкил қилди. Глициннинг юқори микдорда сақланиши сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси ва «Гепафлос» қуруқ экстрактининг сафро ҳайдаш фаоллигини келтириб чиқаради. Қуруқ экстракт таркибидаги аминокислоталар микдори (18,64838 мг/г) йигма таркибидаги аминокислоталар микдоридан (8,935527 мг/г) тахминан 2 марта кўп эканлиги аниқланди.



3-расм. «Гепافلос» қуруқ экстрактини олиш технологик схемаси.

Шунингдек 0366-19-сон «Озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги гигиеник нормативлари» СанҚваМнинг «Ўсимлик табиий чойлари» боби талабларига биноан ўрганилаётган йиғма ва қуруқ экстракт таркибидаги радионуклидлар миқдорини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди.

Изланишлар натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

«Трифлос» сафро ҳайдовчи йиғмаси ва «Гепافلос» қуруқ экстракти таркибидаги радионуклидлар миқдорини аниқлаш натижалари

№ т.р.	Тортма номи ва рақами	Cs -137 (Бк/кг)		Sr -90 (Бк/кг)	
		Ҳақиқий қийматлар	СанПиН бўйича кўрсаткич	Ҳақиқий қийматлар	СанПиН бўйича кўрсаткич
1.	3-«Трифлос» сафро ҳайдовчи йиғмаси	1,56	200	0,51	100
2.	4-«Гепافلос» қуруқ экстракти	1,72	200	0,82	100

4-жадвалда келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, текширилаётган намуналар таркибидаги радионуклидлар цезий ва стронцийнинг излари борлиги аникланди ва уларнинг миқдори рухсат этилган миқдорлардан анча паст экан, ва демак ЎзР СанҚваМ № 0366-19 талабларига жавоб беради, доривор йигма ва курук экстрактни сифатлилиги ва безарарлигини тасдиқлайди ҳамда мазкур дори воситалари таркибига кирган доривор ўсимликларнинг ўсиш зоналарининг экологик тозаллигини тасдиқлайди.

Сафро ҳайдовчи «Трифлос» йигмаси ва «Гепафлос» курук экстракти элемент таркибини киёсий ўрганиш натижалари улар таркибида 31 элемент борлигини, улардан темир, кальций, магний, марганец, мис, молибден, фосфор, хром ва рух ўзларининг биологик фаолликлари бўйича организм фаолиятига ижобий таъсир кўрсатадиган зарур элементлар ҳисобланадилар. Ҳамда кўргошин, кадмий, симоб ва маргимушларнинг миқдори талаб этиладиган норма чегарасидан чиқмаслиги аникланди.

Навбатдаги изланишлар «Гепафлос» курук экстрактини стандартлаш ва яроклилик муддатини аниклашга бағишланди. Олиб борилган изланишлар натижасида «Гепафлос» курук экстрактини сақлаш муддати 2,5 йил деб белгиланди.

Диссертациянинг «**Гепафлос» капсулаларини ишлаб чиқиш ва стандартлаш**» номли бешинчи боби курук экстракт асосида олинган капсулалар учун оптимал таркиб ва технологияни танлаш, сифатини баҳолаш ва биофармацевтик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишларга бағишланди.

«Гепафлос» курук экстрактининг технологик кўрсаткичларини ўрганиш мазкур экстракт асосан майда фракциялардан ташкил топган полидисперс кукун эканлиги ва сочилувчанлиги ($0,614 \cdot 10^{-3}$ кг/с), силкитишдан олдин ва кейин сочилувчан зичлиги ($292,7$ кг/м³ и $431,5$ кг/м³) ҳамда табиий оғиш бурчаги (62 град.)ни ташкил қилган нопозитив бўлган кукун эканлигини кўрсатди. Олинган маълумотлар капсула массаси хусусиятларини яхшилаш мақсадида унинг таркибига ёрдамчи воситаларни қўшиш зарур эканлигини ҳамда сифатли маҳсулот олиш мақсадида уларни ишлаб чиқаришда махсус технологик операцияларни қўллаш зарурлигини тақозо этади.

5 жадвалда ёрдамчи моддаларнинг турли гуруҳларини қўллаш орқали олинган капсула массаларининг таркиблари келтирилган.

5 жадвал

«Гепафлос» капсулалари композицияларининг таркиби

№	Таъсир этувчи модда ва ёрдамчи воситаларнинг номлари	Таъсир этувчи ва ёрдамчи моддаларнинг миқдори				
		Таркиб 1	Таркиб 2	Таркиб 3	Таркиб 4	Таркиб 5
1.	«Гепафлос» курук экстракти	300 мг	300 мг	300 мг	300 мг	300 мг
2.	МКЦ	50 мг	50 мг	70 мг	70 мг	100 мг
3.	Картошка крахмали	20 мг	-	30 мг	-	-

4.	Маккажўхори крахмали	-	20 мг	-	20 мг	-
5.	Лактоза	30 мг	30 мг	-	10 мг	-
6.	Натрий гликолят крахмали	13 мг	13 мг	13 мг	13 мг	13 мг
7.	Коллоид кремний диоксиди	2 мг	2 мг	2 мг	2 мг	2 мг
8.	Магний стеарати	5 мг	5 мг	5 мг	5 мг	5 мг
9.	Ўртача оғирлик	420 мг	420 мг	420 мг	420 мг	420 мг

Юқорида келтирилган таркибдаги капсула массаларининг технологик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

«Гепафлор» капсулалари учун капсула массаларининг технологик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари

№	Ўрганилаётган кўрсаткичлар	Олинган натижалар				
		1 таркиб	2 таркиб	3 таркиб	4 таркиб	5 таркиб
1.	Сочилувчанлик, $\cdot 10^{-3}$ кг/с	5,37 $\pm$ 0,98	4,39 $\pm$ 0,83	3,74 $\pm$ 0,68	8,23 $\pm$ 1,12	8,91$\pm$0,94
2.	Сочилувчан зичлик, кг/м ³	406,11 $\pm$ 16,4	336,49 $\pm$ 24,3	316,82 $\pm$ 10,9	691,07 $\pm$ 23,1	746,32$\pm$18,4
3.	Силкитгандан сўнг сочилувчан зичлик, кг/м ³	469,52 $\pm$ 19,6	394,61 $\pm$ 18,90	376,18 $\pm$ 14,37	739,67 $\pm$ 20,93	781,16$\pm$21,7
4.	Табиий оғиш бурчаги, град.	42,7 $\pm$ 2,6	44,3 $\pm$ 4,1	46,6 $\pm$ 3,8	39,6 $\pm$ 2,2	34,2$\pm$2,5
5.	0,2-0,5 мм катталикдаги фракциялар улуши, %	91,1 $\pm$ 1,8	84,7 $\pm$ 2,3	78,5 $\pm$ 2,7	93,70 $\pm$ 3,1	97,4$\pm$2,2
6.	Қолдиқ намлик, %	3,73 $\pm$ 0,43	4,02 $\pm$ 0,66	4,36 $\pm$ 0,48	3,68 $\pm$ 0,31	3,16 $\pm$0,30
7.	Парчаланиш, мин.	10,40 $\pm$ 1,05	11,35 $\pm$ 0,55	13,05 $\pm$ 1,15	9,20 $\pm$ 0,25	9,15 $\pm$0,20

Капсула массасини капсулаларга тўғри жойлаштириш учун 0,2-0,5 мм катталикдаги фракциялар улуши умумий капсула массасининг 85% кам бўлмаган ҳажмини ташкил этиши керак. Мазкур талабга 1 таркиб (91,1 $\pm$ 1,8%), 4 таркиб (93,70 $\pm$ 3,1%) ва 5 таркиб (97,4 $\pm$ 2,2%) композициялар жавоб берди. 2 таркиб ва 3 таркиб композицияларда 0,2-0,5 мм катталикдаги фракциялар улуши 84,7 $\pm$ 2,3% и 78,5 $\pm$ 2,7% ни ташкил қилди.

0,2-0,5 мм катталикдаги фракциялар улуши оптимал бўлган таркибларда сочилувчанлик кўрсаткичининг яхшиланганлиги кузатилди; 1 таркиб (5,37 $\pm$ 0,98 $\cdot 10^{-3}$ кг/с) ҳамда 4 таркиб ва 5 таркибда уларга яқин бўлган кўрсаткичлар кузатилди (8,23 $\pm$ 1,12%) ва (8,91 $\pm$ 0,94%). Жумладан, уларда сочилувчан зичлик (316,82 $\pm$ 10,93 дан 746,32 $\pm$ 18,43 кг/м³ гача) ва табиий оғиш бурчаги (34,2 $\pm$ 2,5 дан 46,6 $\pm$ 3,8 гача) кўрсаткичларининг ҳам ижобий томонга ўзгарганлиги кузатилди. Энг яхши кўрсаткичлар 5 таркибда кузатилди. «Парчаланиш» кўрсаткичи ҳам НХ талабларига жавоб берди: мазкур кўрсаткич 9,15 $\pm$ 0,20 мин. дан 13,05 $\pm$ 1,15 мин. гача оралигида бўлди.

«Гепафлокс» капсулалари таркибидаги кверцетинга нисбатан ҳисобланган флавоноидлар йиғиндиси миқдорини аниқлаш бир капсула таркибида уларнинг миқдори $1,87 \pm 1,05\%$ (7,4 мг/капс) эканлиги аниқланди.

Илк бор ишлаб чиқилган «Гепафлокс» капсулалари учун «Эриш» тестини ўтказиш шароитлари танланди. Эритиш муҳити тури ва унинг ҳажми БФМ миқдорини аниқлаш услубидан келиб чиққан ҳолда танланди: кверцетин бўйича қайта ҳисобланган флавоноидлар йиғиндиси миқдорини аниқлаш услубининг сезувчанлигидан келиб чиққан ҳолда эритиш муҳити сифатида тозаланган сув танлаб олинди, унинг миқдори эса 500 мл деб белгиланди. Изланиш олиб бориш ҳарорати тана ҳароратига яқин ҳарорат танланди ва у $37 \pm 1^\circ\text{C}$ ни ташкил қилди.


«Гепафлокс» капсулалари эришини кажаванинг турли хил тезликларида: 50 ай/дақ, 100 ай/дақ, 150 ай/дақ, 200 ай/дақ олиб борилди. Ҳар 15 дақиқада эритувчи муҳитга ўтган биологик фаол моддалар миқдорини аниқлаш учун намуналар олиб турилди. Кажаванинг оптимал тезлигини танлаш учун олиб борилган изланишлар натижалари 4-расмда келтирилган.

4-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики кажаванинг минимал тезликда айланишида (50 ай/мин) биологик фаол моддаларнинг ажралиши минимал бўлган ва 15, 30, 45, 60 дақиқаларда 21,63%, 44,3% и 57,6% и 63,9% ташкил қилган. ЎЗР Давлат Фармакопеяси талабларига биноан 45 дақиқа мобайнида 70% дан ортиқ биологик фаол моддалар ажралиб чиқиши белгиланганлигини инобатга олиб, кейинги изланишларимиздан кажаванинг 50 ай/мин тезликда айланадиган режими олиб ташланди.


Кажавани айланиш тезлигининг ортиши билан эриш муҳитига ажралиб чиқаётган кверцетинга нисбатан аниқланган флавоноидлар йиғиндиси миқдорининг ортиши кузатилган. Жумладан, кажаванинг айланиш тезлиги 100 ай/дақ ташкил этганда мазкур кўрсаткич 27,3%, 59,0% и 79,1% и 83,8% ни ташкил қилган. 150 ва 200 ай/дақ тезликда эса 45 дақиқада муҳитга 85,2% и 89,8%, изланишларни тўлиқ олиб борилган даврида - 92,3% и 93,7% ташкил қилган.

Кажаванинг оптимал тезлигини танлашнинг илмий асослаш мақсадида таъсир этувчи модданинг ажралиш кинетикаси кажаванинг 100, 150 ва 200 ай/дақ тезликлари учун ҳисоблаб чиқилди (5-расм). Изланишлар натижаси биринчи тартибли тенглама талабларига кажаванинг айланиш тезлиги 150 ай/дақ тугри келишини кўрсатди. Мазкур тезлик оптимал деб танлаб олинди.

«Гепафлокс» капсулаларини қуйидаги кўрсаткичлар бўйича стандартлашдан ўтказилди: тавсифи, капсула таркибининг ўртача оғирлиги ва ўртача оғирликдан оғиши, парчаланиш, эриш, микробиологик тозалик, флавоноидлар йиғиндисининг миқдори. Олиб борилган изланишлар мазкур капсулалар уларга қўйилган норматив ҳужжатлар талабига жавоб бериши белгиланди.



4-расм. "Гепифлокс" капсулаларидан кверцетинга нисбатан хисобланган флавоноидлар йиғиндисини ажралишининг кажаванинг айланиш тезлигига боғлиқлиги



5-расм. "Гепифлокс" капсулаларидан флавоноидлар йиғиндисини ажралишининг кажаванинг айланиш тезлигига боғлиқлиги

Капсулалар баркарорлигини ўрганиш узок муддатли тадқиқотлар усули билан амалга оширилди. Ўтказилган тажрибалар асосида «Гепифлокс» капсулаларининг сақлаш муддати 2,5 йил деб белгиланди.

Диссертациянинг «Гелрем» капсулалари технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш усуллари тақомиллаштириш» номли олтинчи боби тоғ дастарбоши ва аччиқ эрмон қуруқ экстрактларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш, уларни сифатини баҳолаш, таркибини танлаш ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда стандартлаш усуллари тақомиллаштиришга бағишланган.

Бирламчи изланишлар «Гелрем» капсулалари таркибига кирган тоғ дастарбоши ва аччиқ эрмон қуруқ экстрактларини олиш технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилди. Тажрибалар давомида хомашё таркибидаги биологик фаол моддаларнинг ажралиб чиқиши тўлалигини таъминлайдиган факторларнинг таъсири ўрганилди: экстрагент концентрацияси, хомашё ва экстрагент нисбати, экстракция усули, ўсимлик хомашёсининг майдаланганлик даражаси, ҳарорат фактори ва б.

Олиб борилган изланишлар натижалари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвалдаги маълумотлар иккала экстракт учун экстрагент сифатида 70% этанол оптимал экстрагент эканлиги, экстракция учун эса циркуляцион экстракция усули энг оптимал эканлигини тасдиқлади. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан 1:10 нисбатдаги гидромодул танлаб олинди, хомашёнинг оптимал майдаланганлик даражаси эса 2-5 мм танлаб олинди. Лекин аччиқ эрмон учун экстракция ҳарорати 30°C, тоғ дастарбоши учун экстракция ҳарорати 60°C ни ташкил қилди.

Шунингдек, олинган қуруқ экстрактларнинг сифати баҳоланди, натижада уларнинг барча кўрсаткичлари норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бериши кузатилди.

Алоҳида олинган аччиқ эрмон ва тоғ дастарбоши экстрактлари ҳамда уларнинг доривор хомашё билан аралашмаларининг технологик кўрсаткичлари ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилди. Олиб борилган изланишлар натижалари 8-жадвалда келтирилган.

**Тоғ дастарбоши ва аччиқ эрмон биологик фаол моддаларининг
турли факторлар таъсирида ажратма таркибига чиқиш натижалари**

